



## АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 200-205 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ



**Умаров Илҳомжон Юлдашевич**

Андижон давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси профессор,

иқтисодиёт фанлари доктори

**Каримов Музаффар Абдумалик ўғли**

Андижон давлат университети

“Иқтисодиёт” кафедраси в.б.

доценти, и.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация.** Мақолада интеграциялашув жараёнида корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизмини бошқариш методологияси мавзуси ёритиб ўтилинган. Асосан бугунги кундаги озиқ-овқат саноати корхоналари обьект қилиб олинган.

**Калит сўзлар.** интеграциялашув, ташкилий-иқтисодий механизм, инновацион технологиялар, маҳсулот сифати, ихтисослашган, салоҳият, бошқарув тизими, замонавий усул ва услуб.

### МЕТОДОЛОГИЯ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-ХОЗЯЙСТВЕННЫМ МЕХАНИЗМОМ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

**Умаров Илҳомжон Юлдашевич**

**Каримов Музаффар Абдумалик ўғли**

Андижанский государственный университет

**Абстракт:** В статье освещена тема методологии управления организационно-экономическим механизмом предприятия в процессе интеграции. В качестве объекта в основном взяты сегодняшние предприятия пищевой промышленности.

**Ключевые слова:** интеграция, организационно-экономический механизм, инновационные технологии, качество продукции, специализация, мощность, система управления, современный метод и метод.

### MANAGEMENT METHODOLOGY OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM IN FOOD INDUSTRY ENTERPRISES

**Umarov Ilhomjon Yuldashevich**  
**Karimov Muzaffar Abdumalik o'g'li**

**Abstract:** In the article, the topic of the management methodology of the organizational and economic mechanism of the enterprise during the integration process is highlighted. Mainly, today's food industry enterprises are taken as an object.

**Keywords:** integration, organizational-economic mechanism, innovative technologies, product quality, specialization, capacity, management system, modern method and method.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари янги инновацион технологияларни қўллаши, маҳсулот сифатини ошириши, ишчиходимлар меҳнат салоҳиятини такомиллаштириши каби ташкилий-иктисодий жараёнларга катта эътибор қаратиши талаб этилмоқда. Ташкилий-иктисодий жараёнларни оптимал шаклда ташкил этиш озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ортишига катта таъсир кўрсатади.

Дунёда энг кўп озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўлиб Хитой, Хиндистон, АҚШ ва Бразилия ҳисобланади, ушбу мамлакатлар жуғрофий ер майдони бўйича дунёning энг қучли бешлигига ҳам киради.

Хитой ва Хиндистон ҳам йирик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўлиб, улар асосан ички эҳтиёжни таъминлашга йўналтиради. Хитойда асосан гуруч, буғдой, картошка, пиёз, карам, ловия, бақлажон, исмалоқ, сабзи, бодринг, помидор, қовоқ, нок, узум, олма, шафтоли, олхўри, тарвуз, қўй сути, қўй, эчки, товук ва чўчқа гўшти, тухум, балиқ ва асал маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Хиндистон дунёдаги энг йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилардан бири бўлса-да, унинг маҳсулдорлиги Хитой, АҚШ ва Бразилияга қарагандა анча паст. Бундан ташқари, Хиндистоннинг кўплаб фуқаролари ўзи ишлаб чиқарган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга қодир эмаслар.

Инновацион технологияларни қўллаш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқарув механизмини ташкил этиш зарур. Бунда корхоналарни бошқаришни ташкилий-иктисодий механизмидан фойдаланиш, услугбий ёндашувларга асосланган ҳолда мақбул бошқарув усуслари қўллаш лозим.


Мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқаришни ташкилий-иктисодий механизмни такомиллаштирилган услубларини ишлаб чиқишига асосий сабаблар бўлиб:

- озиқ-овқат таъминоти муаммосини ҳал қилиш ва тегишли ташкилий-иктисодий тузилма билан боғлиқ замонавий тизимнинг мавжуд эмаслиги;
- соҳада хомашё-тайёр маҳсулот кластерларини ривожланмаганлиги;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини назорат қилиш тизимини такомиллашмаганлиги;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали ишлаши ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнларини тартибга солиш учун концептуал қоидаларни амалга оширишни такомиллаштирилган методологияси ишлаб чиқишимаганлиги асосий сабаблар ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини оширишда хўжалик юритувчи субъектларни интеграциясини амалга ошириш асосида озиқ-овқат таъминоти тизимининг иқтисодий тузилмасини шакллантириш зарур. Бунда қишлоқ хўжалигидан тортиб сақлаш ва истеъмолчига етказиб беришгача бўлган функционал жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган тармоқларни бирлаштириш орқали интеграцияни ташкил этиш талаб этилади.

Ушбу интеграция юртимиздаги тўқимачилик саноатида кенг ривож топиб бормоқда. Шунинг учун тўқимачилик саноатида шакланаётган қўмикмалардан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат саноатида ҳам кластерларни ташкил этиш зарур.

Саноатда бундай бирикмаларнинг ҳосил бўлиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожланишига ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш босқичларининг узлуксизлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқади (1-расмга қаранг).



### 1-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарини интеграциялашув жараёни<sup>1</sup>

Интеграциялашув озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарали ишлашини таъминлашда, ташкилий - иқтисодий шароитларни яратишда, озиқ-овқат маҳсулотлари хажмини кўпайтиришда, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хар бир худуд хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ихтисослашувни ривожланишида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни меъёрини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарини ички ва ташки мухит омиллари билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқиладиган ташкилий-иктисодий механизм бир қанча услубий ёндашувларга асосланган бўлиши зарур. Ушбу механизmdа ташкилий мувофиқлаштирувчи модул мавжуд баҳолаш меъзонлари асосида тегишли воситалар орқали бошқарилиши назарда тутилган.

Механизмни яратилиши интеграция турларидан энг мақбулини танлаш, тузилмани чегараларини белгилаш, ваколат ва функцияларни тақсимлаш жараёнидан ташкил топади (2-расмга қаранг).

Механизм функциялари ташкилий тузилмада хар бир корхона ёки бирлашманинг синергия даражасини келиб чиқиб белгиланади, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек механизмни комплекс баҳолаш ёрдамида самарадорликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва механизмни мақбул воситалар билан таъминлаш назарда тутилади.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси




**2-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарини интеграциялаш жараёнини услубий жиҳатлари<sup>2</sup>**

Интеграция жараёнида содир бўладиган корхоналарнинг қўшилиши, ажралиб чиқиши, бўлинниши каби босқичлар ташкилий-иктисодий механизм ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ташкилий-иктисодий механизмни ишлаб чиқища аввало корхонанинг аниқ тузilmасини белгилаб олиш, молиявий, ташкилий, иктисодий жиҳатларини баҳолаш зарур.

Шундай қилиб, ташкилий-иктисодий бошқарув механизмининг концептуал моделини қуидагича шаклида кўрсатиш мумкин (3-расмга қарант).

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси



**3-расм. Бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмини концептуал модели<sup>3</sup>**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ташкилий-иктисодий механизм ўзаро боғлиқ элементларни: принциплар, функциялар, усуллар, технологияларни ўз ичига олган кўп қиррали тушунчадир. Бунда ташкилий - иктисодий механизм тамойиллари механизмининг ишлашини назарий ва амалий асосларини белгилайди. Вазифалар эса бошқарув жараёнида юзага келадиган муносабатларни, ташкилий-иктисодий механизм хусусиятларини намоён бўлишида бажарилиши зарур бўлган функцияларни ифодалайди. Услуб бошқарув жараёnlарига таъсир қилиш усуллари мажмуини таснифласа, технология усулларнинг билвосита акси бўлиб, бошқарув

<sup>3</sup> Здольникова С.В. Организационно-экономический механизм управления инновационным потенциалом интегрированных промышленных структур. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки № 4(246) 2016. с. 109-122. 116 б.

жараёнини амалга ошириш воситалари, жараёнлари ҳамда операциялари мажмуи хисобланади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари учун самарали ташкилий-иктисодий механизмни ишлаб чиқища интеграциялашув жараёнининг ўрни муҳим аҳамият касб этиб, бир-бирини тўлдирувчи цикллар йиғиндисини ҳосил қилишга, хомашёни етиштиришдан бошлиб тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларни уйғуналашувига эришилади. Бундан ташқари ҳосил бўлган кластерлар рақобатбардошликни таъминлашта хизмат қиласиди.

Шунинг учун озиқ-овқат саноатида йирик кластерларни ташкил этиш, хомашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган барча босқичларни бир-бирига занжирли боғлаш, маҳсулотлар сифатини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, диверсификациялашув жараёнларини ривожлантириш тавсия этилади.

### **Мавзу юзасидан умумий хулосалар.**

1. Ташкилий-иктисодий механизм ўзаро бир-бири билан боғлиқ элементлар йиғиндиси бўлиб, бунда субъектлар, объектлар, принциплар, усуслар ва бошқа воситалар уйғуналашуви асосидаги бошқарув жараёни тушунилади.

2. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ташкилий-иктисодий механизмига таъсир этувчи омилларни шартли равища ҳуқуқий-меъёрий, иктисодий ҳамда ташкилий гуруҳларга бўлиш тавсия этилади. Ҳуқуқий-меъёрий омиллар сифатида меъёрий-ҳуқуқий баъзани такомиллаштириб бориш натижасида юзага келган ўзгаришлар таъсир кўрсатса, иктисодий омиллар сифатида нарх, солик, молиялаштириш, сугурта, кредит, иш ҳақи каби воситаларнинг ўзгариши таъсир кўрсатади, ташкилий омиллар сифатида эса бошқарув тизимини замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ жараёнлар таъсир этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.<https://www.investopedia.com/articles/investing/100615/4-countries-produce-most-food.asp#:~:text=Key%20Takeaways,for%20total%20geographic%20land%20area.>

2. Здольникова С.В. Организационно-экономический механизм управления инновационным потенциалом интегрированных промышленных структур. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки № 4(246) 2016. с. 109-122. 116 б.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

